

## ЎЗБЕК ТИЛИДА УНЛИ ФОНЕМАЛАРНИНГ ПОЗИЦИОН КЎРИНИШЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.7336916>

**Раджабов Насир Насимович**

фил.фан.фалсафа доктори(PhD), доцент

ЎР Жамоат хавфсизлиги университети

[nasirnasimovich@mail.ru](mailto:nasirnasimovich@mail.ru)

***Аннотация.** Мақолада ўзбек тили унли фонемаларнинг позицион кўринишлари тадқиқ қилинган. Унда унли фонемаларнинг позицион кўринишлари Москва фонология мактаби назарияси асосида ўрганилган. Мақолада ўзбек тилида мавжуд 6 та унли фонемаларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида тадқиқ қилиниб, уларнинг инвариант ҳамда вариация кўринишлари аниқланган. Унли фонемаларнинг инвариант, вариация кўринишлари борасидаги фикрлар ишонarli мисоллар билан асосланган. Мақолада ўзбек тили унли фонемалари, асосан, уч хил позицион кўринишларга эга бўлиши таъкидланган.*

***Калит сўзлар:** унли, ундош, жарангли ундош, жарангсиз ундош, фонема, инвариант, вариация, вариант*

## POSITIONAL VARIATIONS OF VOWEL PHONEMES IN UZBEK

**Radjabov Nasir Nasimovich**

Doctor of Philosophy on Philological Sciences (PhD), Docent

The University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan

[nasirnasimovich@mail.ru](mailto:nasirnasimovich@mail.ru)

***Annotation.** The article is devoted to the study of positional variations of vowel phonemes in Uzbek. In the article, the positional variations of vowel phonemes are studied on the basis of the theory of the Moscow Phonological School. The article researches each of the 6 Uzbek vowel phonemes separately and identifies their positional forms such as invariant and variation. Author's opinions about invariant, variations of phonemes are explained with factual examples. The article notes that vowel phonemes in Uzbek mainly have three positional variations*

***Key words:** vowel, consonant, voiced consonant, voiceless consonant, phoneme, invariant, variation, variant*

Ўзбек тили нутқ товушлари талаффузини тадқиқ қилишда фонемаларнинг позицион аллофонларини назардан четда қолдирмаслик муҳим аҳамият касб этади. Фонемаларнинг кучли ва кучсиз позицияси Москва фонология мактаби (МФМ) назариясининг асосий тамойилларидан бири бўлиб, унга кўра унли фонемаларнинг урғули ҳолати кучли позиция, урғусиз ҳолати кучсиз позиция саналади [Аванесов, 1970:251]. МФМ назариясида фонемаларнинг учта позицион кўриниши фарқланади: *инвариант, вариация, вариант* [Джусупов, 1991:20]. Инвариант фонеманинг асосий кўриниши бўлиб, у маълум бир фонетик контекстда артикуляцион-акустик жиҳатдан қай даражада ўзгаришига кўра ё вариация, ё вариант тарзида ифодаланади. Маълум бир фонеманинг асосий кўриниши (инвариант) ўзининг позицион ўзгариши туфайли бошқа бир фонемага ўхшаш бўлиб қолса, бундай кўриниш ўша фонеманинг варианты; ўхшаш бўлмаса, унинг позицион вариацияси ҳисобланади [Аванесов, 1970:252]. МФМ назариясига кўра инвариант кучли позицияда, вариант эса кучсиз позицияда учрайди. Позицион чегараланиш борасида вариация нейтрал характерга эга. Шу боисдан у кучли позицияда ҳам, кучсиз позицияда ҳам юзага келиши

мумкин. Масалан, рус тилидаги барча унлилар кучли позицияда ўзларининг асосий кўринишида (инвариант), шунингдек, ёндош келган қаттиқ ёки юмшоқ ундошга боғлиқ ҳолда юзага келадиган фонема вариациялари тарзида намоён бўлади. Кучсиз позицияда эса фақат /i/ ва /u/ фонемалари вариация кўринишида, қолган унлилар ўзларининг позиция вариантларида юзага келади [Аванесов, 1970:258]. Мазкур назарияни бошқа тилларга тадбиқ қилиш ўша тиллардаги фонемаларнинг позиция кўринишлари борасида қизиқарли далилларга эришишда асос бўлиши билан аҳамиятли саналади. Шу нуқтаи назардан биз ўзбек тилида фонемаларнинг позиция кўринишларини тадқиқ қилишда МФМ назариясига асосландик ва унли фонемаларнинг позиция кўринишлари борасида қуйидаги натижаларга эришдик:

Ўзбек тилида /i/ фонемаси чўзиқ-қисқа белгиси жиҳатдан қисқа ҳам эмас, чўзиқ ҳам эмас, ўрталикдаги унли бўлиб, нутқда ўзининг асосан уч хил позиция кўриниши орқали ифодаланади<sup>1</sup>:

/i/: [i] инвариант: бир [bir], кир [kir];

[i] вариация (урғусиз бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ ва кучсизроқ талаффуз қилинади): бироз [bi'roz], кирди [kir'di];

[i] вариация (жарангсиз ундошлардан иборат CVC, CV-CV тузилишидаги бўғинларда жуда қисқа талаффуз қилинади): чик /ʃiq/, шиши /ʃ(i)ʃi/.

Ўзбек тилида /e/ фонемаси чўзиқ-қисқа белгиси жиҳатдан қисқа ҳам эмас, чўзиқ ҳам эмас, ўрталикдаги унли бўлиб, нутқда унинг асосан учта позиция кўриниши қўлланади:

/e/: [e] инвариант: тер [ter];

[e] вариация (урғусиз бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ ва кучсизроқ талаффуз қилинади): терди [ter'di];

[e] вариация (жарангсиз ундошлардан иборат CVC тузилишидаги бўғинда қисқа талаффуз қилинади): тепмоқ /tɛpmɔq/.

Ўзбек тилида /ɒ/ фонемаси чўзиқ-қисқа белгиси жиҳатдан қисқа ҳам эмас, чўзиқ ҳам эмас, ўрталикдаги унли бўлиб, нутқда унинг асосан учта позиция кўриниши фарқланади:

/ɒ/: [ɒ] инвариант: бор [bɒr];

[ɒ] вариация (урғусиз бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ ва кучсизроқ талаффуз қилинади): борди [bɒrdi];

[ɒ] вариация (жарангсиз ундошлардан иборат CVC тузилишидаги бўғинда қисқа талаффуз қилинади): топ /tɒp/.

Ўзбек тилида эса /u/ фонемаси чўзиқ-қисқа белгиси жиҳатдан қисқа ҳам эмас, чўзиқ ҳам эмас, ўрталикдаги унли бўлиб, нутқда ўзининг, асосан, учта позиция кўриниши орқали ифодаланади:

/u/: [u] инвариант: тур [tʊr], хур [hʊr];

[u] вариация (урғусиз бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ ва кучсизроқ талаффуз қилинади): турди [tʊr'di], бурди [bʊr'di];

<sup>1</sup> Ўзбек тилида унлиларнинг позиция кўринишлари билан бир қаторда комбинатор кўринишлари ҳам ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўзбек адабий тили унлилар тизими олтига фонемадан иборат, деб ҳисоблайдиган тилшунослар /i, e, ʌ/ фонемаларини тил олди; /ɒ, ɔ, v/ фонемаларини тил орқа унлилари, деб талқин қиладилар ва тил олди унлиларининг тил орқа кўринишларини ёки тил орқа унлиларининг тил олди кўринишларини шу фонемаларнинг ёндош ундошлар таъсирида юзага келадиган комбинатор кўринишлари, деб изоҳлашади [Абдуазизов, 2010]. Ўзбек тилида унли фонемалар сони олтидан кўп, деб ҳисоблайдиган тилшунослар фикрича, /i, ʌ, ɒ, ɔ, v/ унлиларининг ҳар бири тил олди ҳамда тил орқа кўринишларга эга бўлади (олд қатор: /i/, /i̇/, /ɔ̇/, /ä̇/; орқа қатор: /y/, /ẏ/, /o/, /ə/) ва улар мустақил фонема ҳисобланади [Тўйчибоев, 1996]. Биз, диссертацияда тадқиқот объекти сифатида инглиз ва ўзбек адабий тиллари фонемалар тизими танлангани боис, биринчи ёндашувни асос қилиб олдик.

[ʊ] вариация (жарангсиз ундошлардан иборат CVC тузилишидаги бўғинда жуда қисқа талаффуз қилинади): тут /tut/.

Ўзбек тилида /ʌ/ фонемаси чўзиқ-қисқа белгиси жиҳатдан қисқа ҳам эмас, чўзиқ ҳам эмас, ўрталикдаги унли бўлиб, нутқда унинг, асосан, учта позицион кўриниши учрайди:

/ʌ/: [ʌ] инвариант: жўра [jʊ'ɾʌ], терак [te'ɾʌk];

[ʌ] вариация (урғусиз бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ ва кучсизроқ талаффуз қилинади): дала [dʌ'lʌ];

[ʌ] вариация (жарангсиз ундошлардан иборат CVC тузилишидаги бўғинда қисқа талаффуз қилинади): хат /xʌt/.

Ўзбек тилида /ò/ фонемаси чўзиқ-қисқа белгиси жиҳатдан қисқа ҳам эмас, чўзиқ ҳам эмас, ўрталикдаги унли бўлиб, нутқда унинг, асосан, учта позицион кўриниши қўлланади:

/ò/: [ò] инвариант: кўр [kòɾ], зўр [zòɾ];

[ò] вариация (урғусиз бўғинда инвариантга нисбатан қисқароқ ва кучсизроқ талаффуз қилинади): кўрди [kòɾ'dɪ], бўри [bò'ɾɪ];

[ò] вариация (жарангсиз ундошлардан иборат CVC тузилишидаги бўғинда қисқа талаффуз қилинади): тўқ /tòq/.

Демак, ўзбек тилида унли фонемалар, асосан, уч хил позицион кўринишга эга бўлади: инвариант, урғусиз ҳолатдаги вариация, жарангсиз ундошлар таъсиридаги вариация. Москва фонология мактаби (МФМ) назариясига кўра фонемаларнинг вариант кўриниши ўзбек тилида мавжуд эмас.

#### Фойдаланилган адабиётлар (REFERENCES)

1. Абдуазизов А. Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси. 2-нашр. – Т.: Ўқитувчи, 2010. – 172 б.
2. Аванесов Р.И., Сидоров В.Н. Система фонем русского языка // Реформатский А.А. Из истории отечественной фонологии. – Москва: Наука, 1970. Стр. 251.
3. Джусупов М. Звуковые системы русского и казахского языков. Слог. Интерференция. Обучение произношению. – Ташкент: Фан, 1991. Стр. 20.
4. Тўйчибоев Б. Ўзбек тилининг тарққийёт босқичлари. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 174 б.